

СОН ЧЎЛТОҚЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ БИРЛАМЧИ ЭРТА ПРОТЕЗЛАШНИ ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ РЕАБИЛИТАЦИЯДАГИ АҲАМИЯТИ

*Хасанов Р.С.², Ирисметов М.Э.¹, Ханатияев У.Б.²,
Шокиров М.Х.², Эшиев Э.Т.²*

*¹Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт
маркази*

*²Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази
Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси
e-mail: rustamjon.khasanov.84@mail.ru*

Ампутациядан кейинги оёқ чўлтоқликлари аҳоли орасида турғун ногиронликка олиб келувчи асосий касаллик сабабларидан бири ҳисобланади. Хорижий мутахассисларнинг маълумотларига кўра, АҚШда ҳар 1000 кишига 1,53 та, Буюк Британияда 1,58 ампутация ҳолати тўғри келади. Россия Федерациясининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра 2002-йилда турли даражадаги оёқ-қўлларда ампутация қилинган 216,0 минг ногиронлар рўйхатга олинган. Ҳар йили амалга оширилган янги ампутациялар сони 90 000 тани ташкил этган. Америка ортопедлар ассоциацияси 2018 йилги ҳисоботида кўра оёқ ампутациялари сони йилдан йилга ошмоқда, ва «...2050 йилга келиб ампутациялар сони бугунги кунга нисбатан 72%га ошиши кутилмоқда...». Юқорида келтирилган вазиятлардан келиб чиқиб оёқ чўлтоқлиги мавжуд беморларнинг реабилитация самарадорлигини ошириш ва уларни ҳаёт сифатини яхшилаш замонавий тиббиётнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ампутациядан кейинги оёқ чўлтоқликларини протезлаш травматология ва ортопедия соҳасида беморларни тиббий ва ижтимоий реабилитациясининг энг мураккаб ҳамда тез-тез учраб турадиган муаммоларидан ҳисобланади. Кўпинча оёқ ва қўл сегментларининг травматик ампутацияси беморларнинг ёш ва меҳнатга лаёқатли вақтига тўғри келганлиги, бу эса бундай беморларда катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган тиклаш операциялари ўтказилиш зарурияти долзарб муаммодир.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки кўпчилик чўлтоқлик мавжуд беморларнинг бирламчи протезлашга бўлган мурожатлари ўрганилганда 39,1% ҳолатларда 3 ойгача, 11,9% ҳолатларда 1 йилгача, 49% ҳолатларда эса ампутация қилинганидан кейин 1 йил ва ундан ортиқ вақт давомида мурожаат қилинганлигини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида беморнинг протез-ортопедия корхонасига кеч ташриф буюриши ва протездан фойдаланишга тўғри ўргатилмаганлигидан, протезлаш самарадорлигини кескин пасайишига ва улардан ўз вақтида давомли фойдаланмасликка, камҳаракатлилик натижасида ортиқча тана вазн ошишига, чўлтоқ оёқдаги бўғимларни ноқулай ҳолатдаги контрактураларини ривожланишига олиб келмоқда бунинг натижасида юриш стереотипини йўқотишга олиб келмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади: Сон чўлтоқлиги бўлган ногиронлиги бўлган шахсларни эрта протезлашнинг такомиллаштирилган усулини қўллаш туфайли беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларда реабилитация самарадорлигини ва ижтимоий-маиший мослашув даражасини ошириш.

Материал ва усуллар: Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази базасида 2015 йилдан 2022 йиллар давомида 96 нафар сон чўлтоқлиги бўлган ногиронлиги бўлган шахсларга гипссиз янги технологияли даволаш-машқ протезидан фойдаланган ҳолда бирламчи эрта протезлаш ўтказилди. Ўртача ёш-46 ёш. Эркаклар-79 та, аёллар-19тани ташкил қилди.

Натижалар ва муҳокамаси: Протезлашнинг асосий принципи бўлиб, бу ампутация бўлган беморларни бирламчи эрта 2-3-ой муддат давомида протезлаш комплекс реабилитациянинг муваффақиятли бўлишининг асоси ҳисобланади.

Ўз вақтида бирламчи эрта протезлаш нафақат реабилитация самарадорлигини ошириш, тез ижтимоий-маиший адаптацияга мослашишига сабаб бўлибгина қолмай, кекса ёшдаги қўшимча касалликлари бор беморлардаги соғлиқ билан боғлиқ мавжуд муаммоларнинг кучайишини секинлаштиради.

Шу мақсадда, сон чўлтоқлиги бўлган ногиронлиги бўлган шахсларни эрта бирламчи протезлашда Миллий марказ томонидан янги гипссиз технология даволаш-машқ протези ишлаб чиқилди.

Миллий марказда сон чўлтоқлиги бўлган беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларда янги гипссиз технологияли даволаш-машқ протезидан фойдаланиб протезлаш тадбиқ қилинмоқда. Бу технология сон чўлтоқликларида гипсли негатив ва позитив тайёрлашни талаб қилмайди. Янги технологияли даволаш-машқ протези қуйидаги қисмлардан иборат бўлади: қабул қилувчи косача, тизза шарнири, боғлам турувчи қисм ва сунъий товондан иборатдир. Янги технологияли даволаш-машқ протези соннинг диафизар қисмидан, пастки учлигидан ва юқори учлигидан ампутация бўлган беморларда қўллашга мўлжалланган.

Янги технологияли даволаш-машқ протезидан фойдаланиш муддати 1 ҳафтадан 6 ойгача доимий протез олгунга қадар давом этади. Шундан 68 нафар (70,8%) беморларда ампутациядан сўнг 3-4 ҳафтадан 2 ойгача доимий протез олгунга қадар даволаш-машқ протези қўлланилди. 28 нафар (29,2%) беморларда даволаш-машқ протезидан 6 ойгача фойдаланиш давомийлиги чўзилганлиги, бу беморларда қўшимча касалликлар борлиги туфайли ва касалликларни даволаш муддатининг чўзилганлигига боғлиқ бўлди.

Хулосалар:

1. Бу усулни протезлашда қўллаш орқали реабилитация муддатини қисқаришига эришилади.

2. Эрта протезлаш орқали беморнинг ўз-ўзига хизмат қилиши ва ҳаракатланиши тез тикланишига эришиш мумкин бўлади.

3. Методнинг инсон организмига психологик таъсири жуда юқорилиги туфайли, 1-1,5 ойдан сўнг доимий протезлашдан фойдаланиш мумкин бўлади ва бу юқори иқтисодий эффективликни беради.

4. Сон чўлтоқлиги бўлган ногиронлиги бўлган шахсларни бирламчи эрта протезлашда гипсиз усулни қўллаш туфайли ногиронлиги бўлган шахсларда реабилитация самарадорлиги ва ижтимоий-маиший мослашув даражасини ошишига олиб келади.